

Хижрий 1-асрда Ўрта Осиё худудида исломий фатхларни амалга оширган буюк ислом саркардаси Кутайба ибн Муслим ал-Бохилий 49-хижрий, 669 милодий йилда Ироқда амир ва саркардалар оиласида дунёга келди. Унинг тўлик исми Абу Хафс Кутайба ибн Муслим ибн Амр ибн Хусойн ал-Бохилийдир. Отаси Муслим ибн Амр Ироқ волийси Мусъаб ибн Зубайрнинг хамсухбатларидан эди.

Кутайба ёшлигидан от минишни ўрганиб, мохир чавандоз бўлиб етишди. У болалик чоғлариданок килич ва найзаларга ошно эди. Отда чопишни жуда яхши кўрарди. Бундан ташқари Кутайба болалик давридаёқ илм ўрганишга киришди ва тез фурсатда Куръонни, фикхни ҳамда жанг санъатини мукаммал тарзда ўзлаштирди.

Ироқ минтақаси ўша пайтларда фитна ва инкилоблар ўчоғига айланиб қолган эди.

Шунинг учун ҳам Ироққа волий бўлган ҳар бир шахс аҳолининг инкилобий имкониятларидан исломни кенг ёйишда фойдаланар эди. Шу сабабли бу диёр шарқий ўлкаларга жанговар кўшинларни юборадиган ҳарбий база ҳисобланарди.

Кутайба ҳам ўсмирлик чоғларидан бошлаб мазкур ҳарбий ҳаракатларда иштирок эта бошлади. У мазкур юришлар давомида ўзининг накадар шижоатли жангчи эканлигини, беназир етакчилик қобилияти борлигини намойиш қилди.

Ўша кезларда Кутайба буюк саркарда Михлаб ибн Абу Суфранинг назарига тушиб қолди. Михлаб, ўз навбатида, кўмондонликни уддалай оладиган, жанг санъатини яхши эгаллаган кишиларни дарров пайкаш қобилиятига эга эди. У Кутайбанинг ҳам келажакда буюк фотих ва кўмондон бўлиб етишишини англаб етди ва Мусъаб ибн Зубайрдан сўнг Ироқ волийлигига тайинланган Хажжож ибн Юсуф ас-Сакафийга Кутайбага алоҳида аҳамият қаратиш лозимлигини тавсия қилди. Ўз навбатида Хажжож ҳам пахлавон, шижоатли ҳамда кўшинга етакчилик қила оладиган кишиларни жуда яхши кўрар эди. У Кутайбани ҳар томонлама синаб кўриш мақсадида унга бир нечта муҳим топшириқларни берди. Кутайба эса Хажжожнинг топшириқларини керагидан ортиқ қилиб бажариб, унинг ишончини тўлик оқлади.

Халифа Абдулмалик ибн Марвон даврида Хажжож Кутайбани аввал Рай, кейинчалик Хуросонга волий қилиб тайинлади. Хуросон у пайтларда Ироқ ўлкасининг қўл остида эди. Албатта, Кутайбанинг Хуросонга волий этиб тайинланишида Хажжожнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Хажжож урушдан бошқа нарсани билмайдиган одам эди. Табиатида жангчилик ва кўмондонлик хислати бўлган Кутайба милодий 705 йилда Хуросонга волий бўлди.

Ҳарбий фаолиятининг бошланиши

Кутайбанинг ҳарбий фаолияти хижрий 86-йилда бошланди. Чунки бу пайтда Хажжож уни Хуросонга волий қилиб тайинлаган эди. Хуросон у пайтларда хали фатх қилинмаган эди. Хуросонга аввал Михлаб ибн Абу Суфра хижрий 78-йилдан то 86-йилгача волий бўлган эди. Хажжож Шарқ ўлкаларини фатх этиш учун Кутайбадан яхшироқ номзодни топа олмади. Шундай қилиб бу муҳим ишга Кутайба масъул этиб тайинланди.

Михлабнинг ўзига хос жанг санъати бор эди. Яъни, у душман кўшинига тезкорлик билан какшаткич зарбалар берар, уларни бир лахза ҳам хужумни кайтариш мақсадида режа тузишларига ва тўпланишларига имкон қолдирмас эди. Кутайба ҳам Михлабнинг тактикаси бўйича ҳаракат қилди. Лекин Кутайбанинг Михлабдан ажралиб турадиган бир хусусияти бор эди. У бир ҳарбий амалиётни бажариш олдидан махсус режа тузиб, аниқ мақсад қўйиб, ўша мақсадни амалга оширишга бор куч ва гайратини сафарбар этарди.

Фатхлари

Хуросонга волий бўлган Кутайба ўз кўшинига унинг шимолига юришга буйруқ берди. Кўшин Хоразм, Сижистон каби шаҳарларни фатх қилди.

Шундан кейин у Самарқандга қараб юрди. Самарқандни бир неча кун каттик камал қилганидан сўнг шаҳар аҳолиси Кутайба билан катта мол эвазига сулҳ тузишга мажбур бўлди. Самарқанд аҳолиси унинг аскарлари билан каттик жанг қилди. Охир оқибат енгилгач, Кутайба кўшини Бухоронинг сўнгги шаҳри бўлмиш Пойкент тарафга юрди. Бухоро аҳолиси ўша пайтларда сугдлар деб аталар эди. Кутайба сугдлардан ҳам кўшин тўплаб, Бухорони ҳар тарафдан ўраб олди. Кутайбанинг душман тарафдан яъни, сугдлардан айғокчилари бор эди. Бухороликлар ўзларининг ҳамшаҳарлари бўлмиш ўша айғокчилардан кўп мол эвазига Кутайбани бу шаҳардан буриб юборишни илтимос қилдилар. Жосулар келишувга биноан Кутайбанинг Бухорога киришига ҳалал беришарди. Айғокчиларнинг сотилганини сезган Кутайба уларнинг ҳаммаларини қатл қилди. Кейин кўшинини Бухорога жиқоат билан киришларини каттик тайинлаб, олға юришга ундади. Натижада жуда дахшатли жанг бўлди. Бухоро фатх этилиб, сон-саноксиз мол-дунё ўлжа сифатида қўлга киритилди.

Кейин кўшин Син (Хитой) тарафга қараб юрди. Син чегарасидаги шаҳарларни бирин-кетин фатх қилди. Фатх бўлган шаҳарларга жия солиги солди. Қашгар шаҳрини ўзининг Шарк минтақасидаги ҳарбий базасига айлантирди. Бунгача ҳеч ким бу шаҳарга, умуман, Шарк томонларга келмаган эди.

Шундай қилиб Мовароуннахрнинг барча шаҳарлари Кутайбага бўйинсунди. Кутайба бу мақсадга етиш учун 13 йил кўлидан қурол қўймай жанг қилди. Бу орада Валид ибн Абдулмалик вафот этиб, ўрнига унинг укаси Сулаймон ибн Абдулмалик халифа бўлди. Кутайба билан Сулаймоннинг ўртасида аввалдан келишмовчилик бор эди. Унинг халифа бўлганидан Кутайбанинг газаби келиб, унга қарши бош қўтарди. Натижада қичкина келишмовчилик катта душманликка айланди.

Кутайба ва турк қабилалари

Араблар Шарк томонларга илк юришини бошлаган пайтда бу диёрларда асосан икки

миллат: сосоний форслар ва турклар яшар эди. Мурғоб дарёси икки миллат ўртасини ажратиб турувчи чегара эди.

Форслар хулафои рошидинларнинг давридаёқ исломга кирган эди. Аммо турклар сон жихатидан ҳам, минтака жихатижан ҳам форслардан устун эди. Ўша пайтда турк кабилаларига асосан Мовароуннахр турклари, Қорахитой турклари, Кавказ турклари, Болгар турклари, Мўғул турклари кирар эди. Мурғоб дарёсининг шаркидаги ва Мовароуннахрдаги туркларнинг исломга киришида Қутайбанинг катта хиссаси бор.

Сулаймонга карши бош кўтариши ва ўлдирилиши

Юкорида айтганимиздек, Қутайба Хажжожнинг кўмондонларидан бири эди. Сулаймон Хажжожни канчалик ёктирмаслигини Қутайба яхши билар эди. Сулаймон халифа бўлганда, Қутайба Хажжожга бирор зарар етишидан кўрқди. Чунки, Валид ибн Абдулмалик ўзидан кейин халифаликни ўглига колдириб, укаси Сулаймонни валиахдликдан бўшатмокчи бўлганда Хажжож Валид тарафида турган ва унинг ёнини олган эди. Шу сабабли Сулаймон Хажжождан бу килмиши учун ўч олиши мумкин эди. Қутайба мана шундан кўрқди ва Сулаймонга карши юриш бошлади.

Юришдан аввал у Сулаймонга 3 та мактуб юборди. Уларнинг биринчисида янги халифани мансаб билан муборакбод этди ва Абдулмалик билан Валидга канчалик содик ва итоатгўй бўлганини, агар мансабдан четлатмаса, янги халифага ҳам шу тарзда итоатда бўлишини билдирди.

Иккинчи мактубида у ўзининг килган фатхлари, ажам подшоҳлари уни канчалик хурмат килишини, кадри нақадар улуглигини, калбларида унга нисбатан хурмат билан бирга кўркув ҳам борлигини, ўзидан олдин волий бўлган Михлабнинг яхши ишламаганини ва агар ўша Михлабнинг ўгли Язид Хуросонга волий килиб юбориладиган бўлса, у ҳам яхши иш олиб бормаслигини, уни бу мансабга ўтириб улгурмасиданок ағдариб ташлашини айтди.

Учинчи мактубда эса, халифани мансабдан олиб ташлашини билдирди. Бир ишончли кишининг кўлига мактубларни бериб, унга: “Биринчи мактубни олиб борганинда, Язид ҳам ўша ерда бўлса, мактубни халифага бер. Халифа мактубни ўкиб бўлиб, кейин уни Язидга узатса, халифага иккинчи мактубни бер. Агар иккинчи мактубни ҳам ўкиб бўлиб, Язидга узатса, халифага учинчи мактубни ҳам бер. Борди-ю, биринчи мактубни Язидга бермаса, унда колган икки мактубни уларга кўрсатма, ўзингда саклаб кўй” деб тайинлади.

Элчи бориб, биринчи мактубни халифага узатди. Халифа мактубни ўкиб бўлиб, Язидга узатди. Элчи иккинчи мактубни халифага тутказди. Халифа уни ҳам ўкиб бўлиб, Язидга узатди. Кейин элчи учинчи мактубни халифага узатди. Халифа бу мактубни кўргач, ранги ўзгариб, газабланди ва Қутайбанинг элчисининг кўлидан тутиб, ўзи билан бир кеча олиб колди. Кечаси халифа элчини чакириб, унга Қутайбанинг ўрнига Хуросон волийси килиб тайинлашини айтди.

Бу пайтда Қутайба Сулаймонни тахтдан ағдариш учун харакатни бошлаб юборган эди. Унинг атрофида халифага карши жуда кўп сонли кўшин тўпланиб, энди юрмокчи бўлиб

турганида, аскарларидан бири бўлмиш Вакиъ ибн Хассон Тамимий хижрий 96, милодий 715 йилда Кутайбани хоинларча ўлдирди. Шу билан Кутайбанинг халифага қарши юриши бостирилди. Баъзи ривоятларда эса, Кутайба халифага қарши исён кўтармагани, балки айрим мансабпараст ҳасадгўйлар суикасд уюштириб, Кутайбани ўлдиришгани айтилади. Унинг қабри ҳозирги Андижон вилояти, Жалолқудук туманидаги Қиличмозор деган мавзеда жойлашган.

Аллох таоло юртимизнинг ислом дини билан шарафланишида асосий сабабчилардан бўлган ва беназир хизматлар қилган Кутайба ибн Муслим раҳматуллохи алайхни муносиб тақдирласин.

Нозимжон Хошимжон